


## Ният муҳим!



14:11 / 28 октябрь 3059

Ибн Абид Дунё «Макоидуш шайтон» номли китобида келтиради:

Ҳасан Басрий айтади:

«Бир қавм Аллоҳни қўйиб бир дарахтни танлаб олиб, унга сиғина бошлади. Бундан хабар топган бир киши қўлига болтасини олиб, дарахтни кесиб ташлаш учун йўлга тушди. Дарахт олдида одам қиёфасидаги Иблис уни қарши олди.

– Эй одам, нима учун дарахтни кесмоқчисан? – деб сўради Иблис.

– Қавмим Аллоҳни қўйиб бу дарахтга сиғиниб адашмоқда, гуноҳга ботмоқда, – деди киши.

Иблис деди:

– Сен у дарахтга ибодат қилмайсан-ку, унинг сенга нима зарари бор?

– Барибир кесаман!

Иблис уни ман қилмоқчи бўлди. Улар курашиб кетишди. Ҳалиги киши Иблисни йиқитди. Шунда Иблис унга деди:

– Сенга бундан яхшироқ таклифим бор. Сен дарахтни кесмайсан. Бунинг эвазига ҳар куни ёстиғинг остида икки динор пайдо бўлади!

Бунга ким кафил бўлади?

– Мен!

Ҳалиги киши ҳар тонг ёстиғи остидан икки танга олиб нафси ва эҳтиёжини қондира бошлади. Шу зайлда кунлар ўтаверди, дарахтни ва унга сиғинувчи қавмни унутди. Кунларнинг бирида ёстиғи остига қараса, тангалар йўқ. Ғазабланиб, шайтонни учратиш мақсадида дарахт томон юрди. Шунда Иблис унга яна юқоридаги одам қиёфасида кўринди ва сўради:

– Нега келдинг?

– Кишилар Аллоҳни қўйиб бунга ибодат қилаётган дарахтни кесаман!

Иблис уни ман қилмоқчи бўлди. Жанг бошланди. Бу сафар Иблис ғолиб бўлди. У киши сўради:

– Нега олдинги сафар мен ғолиб бўлган эдим-у, бу сафар сен ғолиб бўлдинг?

Иблис деди:

– Олдинги сафар Аллоҳ учун ғазаб қилиб келган эдинг. Аллоҳ сенга ёрдам берди. Бу сафар эса икки динор учун келдинг. Аллоҳ менга ёрдам берди!».

Аллоҳнинг ризоси қасд қилинмаган ҳар қандай катта амал қиёмат куни тўзонга айланади. Аксинча, амал кичкина ва оз бўлса-да, аммо ундан Аллоҳнинг ризоси мақсад қилинса у кўп ва мақбул амал ҳисобланади. Аллоҳ таоло фақатгина феълларга эмас, ниятларга қараб ҳам ажр беради.

Мусо алайҳиссаломнинг даврида қаҳатчилик келди. Экинлар қуриди, озиқ-овқат камайиб кетди. Инсонлар қашшоққа айланишди. Шунда фақирлардан бири олдидаги тоққа назар солиб деди: «Эй Роббим! Агар менда мана шу тоғ қадар олтин бўлганида бандаларингга садақа қилган бўлар эдим!».

Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга ваҳий қилиб деди: «У бандамга айт, Мен унинг садақасини қабул қилдим!».

Аллоҳ таоло унинг нияти содиқлигини билди. Умуман содир бўлмаган амал учун ажрни мукамал қилиб берди.

Қанча-қанча амаллар бор, қанча-қанча ибодатлар бор, уларга риё аралашгани сабаб, ибодатлар одамлар олдида фахрланиш учун қилингани боис уларни Аллоҳ қабул қилмайди.

Аксинча, қанча-қанча оддий амаллар бор, ниятлар уни катталаштириб юборади.

Йўл ўртасида тушиб ётган ва кишиларга халақит қилаётган шохни одамларга азият бермаслиги учун олиб ташлагани учун бир киши жаннатга кирди. Эътибор беринг, битта шох эвазига жаннат. Зеро ният буюк!

Бани Исроилдаги зинокор аёл бир итни суғоргани учун Аллоҳ уни мағфират қилиб жаннатга киритди. Зеро ўша лаҳзада унинг қалбида раҳмат, холис ният намоён бўлган эди. Ҳолбуки итни суғориш зинога каффорат бўлмайди!

Ниятларингизни ислоҳ қилинг. Уларга кўра ажрланасиз!

Табуқ жангидан қайтишда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларга дедилар:

«Мадинада шундай кишилар борки, улар сиз билан бирга юришди, водийларни кесиб ўтишди, ажрда сизга шерик бўлишди. Уларни беморлик Мадинада тутиб қолди!».

**Абдулқодир Полвонов**

**«Ҳилол» журнали 3(60) сон**